Жун йўналишдаги эчкиларни конституцияси мустахам, улар жуда харакатчан, шароитга тез қуникади. Экстерьер кўрсаткичлари бўйича яхши тасарувда, она эчкиларни тирик вазни 25 - 40 кг, такаларни вазни 40 - 60 кг, янги ту`илганида улоқларни вазни эса 2,5 - 3,5 кг, жун бериш қобилияти ўртача ва 3,0 - 3,5 кг, ташкил этади. Жунининг майинлиги 40 - 56 сифатга тўри келади толасининг тоза чикими 75 - 85 фоиз, серпуштлиги эса 105 - 115 фоизни ташкил этиди. Сутдорлиги эса 90 - 115 литр.

3 - Тивит эчки зотлари мустахам конституцион типга эга бўлиб гавдаси йирик, суяклари катта, туёклари, кўкраги яхши ривожланган, жуни асосан майин ва юмшоқ. Тивитида қисман оралик ва қилтик тола мавжуд. Бу эчкилар узининг мащсулдорлиги бўйича икки гуруцга бўлинади.

1- Гуруц: Оренбург ва унинг дурагайлари шамда Козогистон, Ўзбекистон, Киргизистон ва То`ли Олтой эчки зотлари киради бу зотларни жунининг таркибидаги тивит толаси қилтик толага нисбатан калта.

2- Гуруч: Бу йўналишга То`ли Олтой, Ўзбекистон кора тусли, Дон буйи ва бу типдаги киргиз зотлари киради, уларни тивит толаси қилтик толасига нисбатан узун.

Бу эчкилардан тивитдан ташкари чарим олинади ва турли буюмлар тайёрланишида ишлатилади (дублёнка, пальто ва х. к.), қолаверса бу эчкиларни шар бирдан йил давомида 200 - 300 кг сут шам олиш мумкин.

Оренбург эчки зоти халқ селекцияси натижасида яратилган бўлиб асосан Россия федерациясини турли улкаларида урчитилади (Челябинск, Уральск), шамда +озо`истонинг баъзан минтақаларида урчитилмоқда. Дунбўйи эчки зоти Дун дариёси буйида ёшаётган халқ селекцияси натижасида вужудга келган бўлиб Волгаград, Воронеж, Ростов вилоятларида урчитилади.

+ир`из тивит берувчи эчкилари маҳаллий эчкиларни дунбуйи эчкилари билан ва сўнг этапда ўзаро чатиштириш натижасида яратилган бўлиб +ир`изистоннинг Ош вилоятида урчитилади. Догистон тивит берувчи эчкисини устидаги илмий изланишлар 1968 йиллардан бошланган бўлиб маҳаллий зотлари рус жундор такалари билан чатиштирилган, уларни дурагайлари эса Ўзбекистон жундор такалари билан чатиштирилиб вужудга келган.

То`ли Олтой эчки зоти асосан халқ селекцияси натижасида вужудга келган. Бу зоти маҳаллий эчкиларни Ўзбекистон кора тусли, кул ранг, Киргизистон ва бошқа эчки зотлари билан чатиштирилиш натижасида вужудга келган. То`ли олтой эчкиларни тирик вазни 35 - 45 кг, такаларини эса 55 - 70 кг, шар бир она эчкилардан 400 - 600 грам, такалардан эса 400 - 1400 грам, тивит тараб олинади. Тивитининг майинлиги (йугонлиги) 18 - 20 мкм, узунлиги 7 - 13 см. Бу эчкиларнинг серпуштлиги эса 115 - 130 фойизни ташкил этади.

4 Сут йўналишидаги эчки зотлари. Бу тармок давлат қармоғи хўжалиқларида умуман тарақий этмаган, фақат шахсий хўжалиқларида яъни аҳолини қулида бўлиб қўпинча дала хавлиларида урчитилиб келинмоқда. Россия улқасини Горков, Петербург, Масква, Ярослав вилоятларида қолаверса +рим, Кавказ ва Марказий Осиё давлатларини турли туманларида шам урчитилмоқда. Энг кўп тараққий этган зотларда бу Мегрел, Заанен, Таганбург ва Рус оқ зот эчки зотларидир. Бу йўналишдаги эчкиларни Ўзбекистоннинг Паркент ва Бўстонлиқ туманидаги аҳолини қулида шамда Тошкент шаҳри ва унинг атрофида яшайдиган аҳоли хонадонларида қуриш мумкин. Сут йўналишдаги она эчкиларни тирик вазни 40 - 50 кг, такаларини 45 - 60 кг, сутдорлиги 500 - 600 литр (рекордлари 1,5 - 2 минг литр), сутининг ёғдорлиги 3, 5 - 4, 0 %, жунининг туси асосан оқ, серпуштлиги эса 110 - 250 фойизгача бўлиб сут бериш даври ўртача 6 - 8 ой давом этади.

Саволлар:

1. Эчкичиликдаги йўналишлар нимага асосланган ?
2. Тивит берувчи эчки зотларини табакаланиши вакиллари тараккий этиши ва машсулдорлиги асосий кўрсаткичларининг таърифлари ?
3. Жун йўналишидаги эчкилар қандай гурушларга бўлинади ва каерда урчитилади ?
4. Сут эчки зотлари каерда тараккий этган ва уларни таърифлаб беринг ?
5. Махаллий дагал эчкиларни асосий овкатларига машсулдорлик кўрсаткичлари нимадан иборат ?

5-Мавзу: Эчкичиликда подани +айта тулдириш, УЛО+ларни ажратиш, сурувларни шакллантириш, янгилаш ва парвариш этиш

Режа:

1. Эчкичиликда подани қайта тулдириш ?
2. Эчкиларни қочириш ва ту`дириш ?
3. Улоқларни ажратиш, сурувлари ?
4. Шакиллантириш, янгилаш ва парвариш этиш ?

Адабиётлар: 1. 2. 3. 4. 5. 6. 7.

1. Подани қайта тулдириш - бу ярқсиз эчкиларни урнига машсулдор эчкиларни кўпайтириш ва урчитиш жараёнидир ёки шар бир вояга етган эчкиларни насл бериш хусусиятидир. Ту`ри парвариш этилган ва озиклантирилган эчкилар бу хусусиятдан холи эмас бўлсада ўз хаётида тахминан 1 % эчкилар жинсий органларини паталогияси ёки нотў`ри озиклантириш натижасига биноан насл бермай қолади. Эчкилардан насл олиш, уларнинг жинсий уйғониши, етилиши, пишиши, куюкишини ва бугозлик даврини давом этиш каби биологик хусусиятларини билиш подани қайта тулдиришида мушмим ўрин эгаллайди.

Эчкилар 5- 6 ойлик чо`ида жинсий етилади, 16 -18 ойлигида эса физиологик етилиб насл бериш кабу`лиятига эгадир, шул сабабли улар бу ёшида қочирилади. Жинсий уй`ониш бу жинсий жихатида карама - карши эчкиларни бир бирига интилиши бўлиб қочиришига тускинлик қилмайдиган шолатдир.

Эчкиларнинг бу хусусиятлари турли омилларга бо`лиқ (эчкиларни йўналиши, зоти, озикланиши, иклим шароити, индивидуал хусусиятлари ва хокоза).

2- Эчкиларни қочириш ва ту`дириш мушмим тадбир бўлиб ўтказилишида катта мащоратни талаб этади. Эчкичиликда қочириш мавсумига икки ой олдин тайёргарлик курилади. Бунинг учун қочириш режаси тузилиб жойлар тайинланади шамда ур`очи эчкиларга такалар тайинланади. Эчкиларни ривожини таъминлаг учун озикланиш режаси ишлаб чиқилиб эчкиларни ўрта семизлик даражасини саклаб қолиш кузга тутилади Такалардан шар декадада уру` олиниб текширилади ва ярқкли ёки ярқсизлиги аниқланиб борилади. Эчкичиликда қочириш учун ажратилган жойлар таъмирланади ва мавсумни бошланишига 2 -3 кун коларок жищозланади ва тегишли асбоб - ускуналар билан таъминланади.

Бу давр ичида махсус укишлар уюштирилиб осеменаторлар сунъий қочиришга тайёрланади ва тегишли асбоб ускуналарини ишлатилиши ургатилади. Эчкиларни қочирилиши кунинг ёру` даврида ўтказилади ва тузилган режага катъиян риоя қилинади. Она эчкиларни шар эрталаб қуюқиши аниқланади бунинг учун умумий сурувга ахталанган, ёки белига фартук бойланган такалар қуйилади. Бундай такалар қуюқкан эчкиларни топгач улар умумий сурувдан чиқарилади ва алоҳида гуруҳ ташкил этилади. Бу иш тамом бўлгач наслга яроқли такадан уру` олиниб сифати текширилади ва яроқли деб топилгач совликка қуйилади. Эчкилар бир суткасига икки маротаба уру`лантирилади шар бирини ораси 4-5 соатни ташкил этади. Эчкилар қочирилгандан сўнг 17 - 21 кун давомида назорат остида бўлади, агар қуюқиши қайтарилмаса уру`ланган деб ҳисобланади, қуюқиши қайтарилган эчкилар қайта уру`лантирилиб назорат этилади. қочириш мавсуми 35-37 кун давом этади ва бу даврдан сўнг қочириш мавсуми ёпилиб сурув ичига такалар қушилиб юборилади ва яйловда она эчкилар бирга юради ва қуюқан эчкилар бўлса қочиради. Эчкичиликда қочириш мавсуми асосан сентябрь- октябрь ойларига тў`ри келади шул сабабли улар учун яхши яйловлар ажратилади.

Эчкиларни ту`иши асосан баҳор мавсумига тў`ри келади шул сабабли солғам улоқ олишга жиддий таёргарлик қуриш тавсия этилади. Эчкиларни ту`дириш учун махсус жойлар ва яйловлар ажратилади қолаверса эски қуралар ҳам таъмирланиб ишлатилади. Эчкиларни бугозлиги 150-155 кун давом этади шул сабабли қочиришдан 120-130 кун утгач уларни ту`дириб олишга тайёргар-лик ишларини ташкил этиш лозим. Бугозликни охири декадасида уларни озикланишига катта эътибор бериш зарур, сутдор эчкилар-ни ту`ишига 40-45 кун қоларок соғишдан бушатиш зарур. Ту`иши яқинлашгач эчкиларни жинсий органларида, елин безида, хулқида узғаришлар фойда бўлади. Эчкиларни ту`ишини кузатиб бориш лозим ва ту`иш даврида зарурият ту`илганида аралаштириш лозим, янги ту`илган улоқларни огиз - бурин қисимларини она сувларидан ва шилимшик моддалардан ортиб олинади ва киндигини 7-9 см узунлигида бойлаб онасига ялатишга берилади, улоқни тугганидан 1-2 соат утгач онасини эмдириш зарур, туган эчкини ёлин ташлашини кузатиб бориш лозим, агарда 5-6 соат ичида ёлин ажралмаса уни ажралишига ветеринария ердамни кўрсатиш лозим, янги тукқан она эчкига илиқ сув ва атала бериш тавсия этилади. Совуқ бўлган ҳолда янги тугган эчки ва улоқлар махсус қураларга киритилиб сақланади.

3 Улоқларни оналаридан ажратиш олиш ва уларни мустақил парваришlash жуда мушмил тадбир. Бу тадбир эчкичилик хўжалиқларида улоқлар 4-4,5 ойликка етганида ўтказилади ва асосан ет ойларига тў`ри келади (август - июль) лекин бу тадбирга иқтисодий ва табиий шароит ўз таъсирини ўтказади.

Щар - бир ажратилган улоқ она эчкидан алошида боқилади ажратиш ишлари бир хафта - ун кун давом этади. Бунинг сабаби шундан иборатким улоқларни мустақил щаёт кечиритиш қабуляти холи сушт ва уларни бунга аста секинлик билан ургатилиб борилиши тавсия этилади.

Шу боисдан она эчкилар биринчи кунларда улоқлар ажратилган жойларга яқин яйловларда боқилади ва бир кунда 2-3 маротаба эмдирилади, кечкурун эса улоқлар оналари билан биргаликда курага қуйилади. Эрталаб эчкилар курадан чиқарилаётганида улоқлар ажратиб олинади. Бу тадбир ёки улоқларни оналарига қуйиш аста секин камайтириб борилади ва бир хафта ичида кундузги қуйиш ман этилиб фақат кечки дам олинимида рухсат этилади. Бир неча кун утгач бу тадбир шам ман этилиб она эчкилари билан улоқлар алошида кураларда сакланиб яйловларда боқилади. Ажратиб олинган улоқлардан жинси ва синф таркиби бўйича алошида гуруцлар ташкил этиб янги сурувлар шакиллантириш белгиланади

Оналаридан ажратиб олинган улоқлар учун алошида чупанлар белгиланади ва яхши сермахсус яйловлар бириктирилади. Колаверса чунонлар биригасига тегишли барча асбоб-ускуналар, ишчи шайвонлар ва хокоза хужжатлар берилади ва уларга чўпонлар томонидан қилинган ишларни ва ўтказиладиган тадбирларни акс этирадилар.

Сурувларни шакилланиши ва янгилланиши шамда тулдирилиши уларнинг сонига, жинсига, йўналишига шамда синф таркибига бо`лиқ.

Янги ту`илган улоқлар онасининг огиз сути билан озиклантирилади, шунда щар бир улоқ учун 250 грамм сушт кифоядир шу билан биргаликда 3 - 4 кун давомида щар бир улоққа бериладиган сушни нормаси 20 грамдан кушиб борилади, 4 - 8 кунлик даврида 450 грамга етказилади 14 - 30 кунлигида эса 1 литрга етказилади

Шу даврда улоқларга щар кунига 2 - 3 маротаба аралашган сутлар шам ичирилиб борилади. Сушт эмизиш уч ойгача давом эттирилади ундан сўнг суньий сутлар ва бошқа озуқалар шам берилади, 15 - 20 кунлигида улоқлар ут истемал қилишига ургатилади. Етим улоқлар серсушт эчкиларга эмдирилади ва суньий суздан фойдаланилади.

Улоқларни парвариш этиш катта мащоратни талаб этади ва эчкичиликдаги йўналишга бо`лиқ шу сабабли уларни парваришлаш қуйидаги усулларда олиб борилади: 1 Оналари билан биргаликда демақ улоқлар шам она сути шам яйловдаги ўтлардан фойдаланади. 2 Кўрада ва қисман оналари остида бу усулда улоқлар асосан кўраларда боқилиб фақат бир кунига икки ёки уч маротаба оналарига қуйилади.

Улоқлар яйловларга аста секинлик билан ургатилиб борилади. Наслга ёроксизлар 3 - 4 ойлигида ахталаниб гуштга, тивит ёки жун олинимишига ишлатилади.

Саволлар:

1. Подани кайта тулдириш деганда нимани тушунаси?
2. Эчкичиликда кочириш качон олиб борилади, ва қандай эчкилар бу мавсумга қуйилади ?
3. Ту`дириш кайси мавсумга ту`ри келади ва қандай ишлар амалга оширилади ?
4. Улоқларни қандай парвариш этиш усуллари мавжуд ?
5. Улоқлар качон болаларидан ажратилади, ва сурувлар қандай шакилланади ?

6-МАВЗУ: ЭЧКИЧИЛИҚДА НАСИЛЧИЛИК ИШЛАРИ, ТАНЛАШ, САРЛАШ ВА КЎПАЙИРИШ УСУЛЛАРИ

Режа:

- 1 Насилчилик ишларини ташкил этиш ва режалаштириш ?
- 2 Танлаш ва саралаш ?
- 3 Эчкиликда кўпайтириш усуллари ?
- 4 Эчкиларни бонтировка қилиш ?

Адабиётлар 1. 3. 7. 9.

1 Эчкиларни ривожлантирилишининг асосий йўлларида бири бу уларни сонини ошириш билан биргаликда сермашсул эчки зотларини, оилаларини ва тизимларини яратиш ҳамда насли сифатини яхшилашдан иборатдир. Бундай ишларни олиб борилиши ва эчки зотларини такомиллаштириши зотехнияда наслчилик иши деб юритилади. Бу ишларни олиб борилиши жуда мушкул шу сабабли уни режалаштирилиши эътиборга моликдир, наслчилик ишини режалаштирилишида аниқ мақсад, вазифалар ва олинган натижалар олдиндан башорат этилади (прогноз). Насилчилик ишини режалаштириш асосан бир ёки 5 йиллик бўлиб (истикболли режа) наслчилик заводларида, давлат, жамоа наслчилик фермаларида, наслчилик фермер хўжаликларида олиб борилади. Бу борада олиб бориладиган ишлар сўнгги йилларда сусайиб кетганини инобатга олиб Республика Олий Кенгаши томонидан бу ишни жонлантириш борасида наслчилик ва селекция тўрисидаги қонунни қабул қилиниши аниқ муддо ва чорвадорлар томони- дан дастур сифатида қабул қилиниб амалга оширилмоқда наслчилик ишларининг олиб борилиши ўз олдида кўпайтириш вазифаларни қўяди : Эчкиларни конституциясини ва со`ломлиги, тез етилишини, серпущтлигини кўпайтириш. Олинган ҳайвонларни вазнини ва ўсишини ошириш.

2. Насилчилик ишининг асосий элементларидан бири бу танлаш ва саралашдир, булар бир бирини тулдириб боради ва насли молларни сонини ва сифатини оширишга амалий ердан беради. Танлаш эчкиларни келиб чиқиши, фенотипи ва генотипига ҳамда бошқа хўжалик фойдали белгиларига қараб олиб борилади. Эчкичиликда асосан гомоген (бир белгиси бўйича) ёки гетероген (кўп белгилари бўйича) танлаш ишлари олиб борилади. Танланган ҳайвонлар умуман подага нисбатан яхши кўрсаткичларга эга бўлиши шарт.

Танлаш ишлари эчкичиликда кўпайтириш муддатларида олиб борилади: биринчиси 2 - 3 кунлигида, иккинчиси 4 - 5 ойлигида, учинчиси

1 - ёшда. Саралаш бу танлаган эркак ва ур`очи эчкиларни бир бири билан жуфтлаштиришдир. Саралаш шам танлаш каби эчкиларни келиб чиқиши, маъсулдорлиги ва экстерьер конституциясига биноан амалга оширилади.

Саралаш шам танлашга ухшашли иккига бўлинади гомоген ва гетероген. Бир хил (гомоген) саралашнинг асосий мақсади талабга жавоб берадиган эчкилар бир бири билан жуфтлаш-тирилади. Бу тадбир чо`ида селекцион белги мустахкамланади тизим ва оила бўйича урчитилиш пайтида ишлатилади. Гетероген саралаш жуда кўп ишлатилади ва турли йўналишдаги сермаъсул эчкиларни яратишга қаратилган бўлиб асосий мақсади кам маъсул она эчкиларини сермаъсул такалар билан жуфтлаштиришдир. Саралаш ишлари якка ёки гуруч бўйича шам олиб борилади. Якка холда шар бир эчки алоҳида ўрганиб чиқилиб бир бири билан жуфтлаштирилади. Гуруч бўйича саралаш эса барча кўрсаткичлари бир - бирига ўхшашли бўлгани учун она эчкилар битта танланган така билан жуфтлаштирилади.

3 - Эчкиларни кўпайтиришда қуйидаги усуллар ишлатилади: Соф холда урчитиш, Чатиштириш ва Габридлаш. Соф урчитишнинг асосий мақсади мавжуд эчки зотларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш. Бу усул эчкиларнинг тупланишига шамда уларнинг конини янгилашда, тизим бўйича ва кам маъсул эчкиларни яхшилаш борисиди ишлатилади.

Соф холда урчитиш бир зотга мансуб эркак ва ур`очи эчкиларни жуфтлаштириш бўлиб ўз навбатида яқин, ўрта ва узок қариндош урчитилишларига бўлиниб тизим ва оила асосида олиб борилади. Тизим бўйича урчитиш бу битта йўқори наслдор такадан олинган авлодларга айтилади. Ойила бўйича урчитиш эса тесқари демақ ёки юқори наслдор эчкидан олинган авлоддир. Чатиштириш бу икки ва ундан ошиқ зотга мансуб эркак ва ур`очи эчкиларни жуфтлаштирилиши бўлиб ўз навбатда қуйидаги усулларга бўлинади:

1. *Кон сингдириши (поглолительное, преобразовательное) кам маъсул эчкиларни юқори маъсулдор завод зотлари вакиллари билан бир неча маротаба чатиштириб яхшилашга интилиши.*
2. *Алмашлаб чатиштириши (переменное) икки ёки ундан орлик эчки зотларини чатиштириши ва натижада олинган дурагайлари ур`очиси билан биринчи зотни эрқагини кетма - кет чатиштириши ва маъсулдор зотни яратиши.*
3. *Ишлаб чиқариши асосида чатиштириши (воспроизводительное) янги, замонавий, узиди икки ван ундан орлик насли тоза эчки зотларини муқассам этган эчкиларни кўпайтириб, янги тоза зот яратиши усулидир.*
4. *Кон қуюши эчкиларда учрайдиган бирон бир нуқсонликни ёки камчиликни тузатиши ёки бартараф этувчи зотли така билан ур`очи яхшиланувчи зотни қочириб мақсадга мувофиқ цайвон олиши усулидир.*
5. *Габридлаш турлар аро чатиштириши бўлиб эчкичилик соҳасида кам тараккий этган.*

4 Эчкиларни наслини яхшилаш ва келгусида фойдаланиш борасидаги амалга оширалаётган асосий ишларидан бири бу уларнинг

наследорлик қийматини ва сифатини аниқлаш ёки бонитировка ишларини амалга ошириш.

Бонитировка эчкичиликда келиб чиқиш, экстерьер, конституцияси, мащсулдорлиги авлодларининг сифати ва насли ўтказилиши каби кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади ва мушм ашамиятга эгадир. Бу тадбирни олиб борилишида эчкиларни турли гуруцларга ёки синфларга ажаратилиш имкони яратилади. Энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган шайвонлар «Элита» синфига киритилади, бундан ташкари биринчи, иккинчи ва учунчи бонитировка синфлари мавжуд. Шар бир эчки бонитировка ўтказилиш чо`ида махсус ишлаб чиқилган андоза талабига таққосланиб тўплаган балига кўра маълум синфларга ажратилади. Шун кайд этиш зарурки бундай ишлар эчкиларни йўналишига қараб олиб борилади (асосий мащсулоти инобатга олинади)

Бу кўрсаткичлар бўйича эчкилар асосан куйидаги синфларга бўлинади элита; 1 синф; 2 синф; 3 ва 4 синф.

Насилчилик ишларини юритилиши борасида яна бир мушм тадбир бу эчкиларга тамга ва эн солиш. Там`а солиш турлича йўллари билан амалга оширилади: татуировка бу махсус тайёрланган рақамлар буялиб амбурга солиниб эчкиларни кулоқлари тешилади ва буёк суркалади бу усулда номерлаш асосан оқ жун қопламига мансуб эчкиларда амалга оширилади. Иккинчиси бу темир ёки пластмассадан тайёрланган сиргалардан фойдаланиб кулоқларини тешиб сиргалаш. Учунчи эса эчкиларни шохларини куйдириб номер солиш. Бундай тамгалашдан ташкари эчкиларда синф таркибини билиш учун кулоқларига махсус амбур билан эн солинади, кулогининг учи керитиб эн солинган бўлса эчки элита, постига битта энг солинган бўлса 1 синф, иккта энг солинса 2 синф, ун кулогининг устки чекасида битта эн солинса 3 синф, эннинг биттаси ўн куло`ининг устида биттаси пасида солинган бўлса эчки 4 синфга киради. Эчкилар кўп насли оиладан бўлса унда чап кулогига шам энг солинади.

Эчкичиликда наслчилик ишларини шисоб китобини олиб борилиши юзасидан куйидаги махсус хужжатлар ишлатилади: тақа ва она эчкиларни шахсий (индивидуал) карточкаси, еш улоқларни парвариш этиш журнали, улоқларни тугушини шисобга олиш, бонитировка ва кирқим (тивит тараш) ўтказиш шамда кочириш ва ту`дириш журналлари, эчкиларни мащсулот беришини шисобга олиш журнали шам ишлатилади.

Бонитировка ўтказиш жуда мушм тадбир бўлгани учун барча эчкичилик Зхўжаликлариде олиб борилади ва унинг натижасига асосланиб зотлик шайвонларни сонини шамда мащсулот олишни кўпайтиришим мумкин

Саволлар:

1. Эчкичиликдаги наслчилик ишининг мақсади ва нимага асосланиб олиб борилади?
2. Эчкичиликда танлаш кайси белгиларга қараб олиб борилади ?

3. Саралаш усуллари ва асосий мақсад нималардан иборат ?
4. Эчкиларни кўпайтириш усуллари ?
5. Бонитировка хақида тушунча, эчкичиликда ботировка ўтказилиш муддати ва ашамияти ?

7-МАВЗУ: ЭЧКИЛАРНИ ОЗИ+ЛАНТИРИШ, АСРАШ ВА ПАРВАРИШ ЭТИШ

Режа:

1. Эчкиларни озиклантириш.
2. Эчкиларни парвариш этиш.
3. Эчкиларни асраш.

Адабиётлар 1. 3. 5. 8. 10.

1 Эчкилар куйлар каби яйлов шайвон деб ҳисобланади. Уларнинг озика хазм қилиш системаси бошқа қишлоқ хўжалик шайвонларига кўра кескин фарк қилади (якши ривожланган), эчкилар озукка кам талабчан ва озукка танламайди. Эчкиларни оиклантириш учун куйидаги озуклар ишлатилади.

1. *Усимлик дунесидан тайёрланадиган озуклар (кук ут, турли пичанлар, силос илдиз мевали полиз экинлари дондор ва хокоза).*
2. *Шайвонот дунесидан олинадиган озуклар (сут, сут мацсулотлари, кон суюқ уни, балик ва гушт уни ва хокоза.)*
3. *Саноатдан олинадиган озуклар (омикта емлар, турли заводлар чикиндилари, витаминлик препатарлар антибиотиклар, гармонлар ва хокоза.)*

Эчкиларни тўри озиклантиришини ташкил этиш жуда мушм тадбир уларнинг шаёти, мацсулдорлиги, физиологик ҳолати ва организмдаги барча физиологик процеслар бу тадбирга бевосита болиқ шу сабали эчкиларни озиклантиришида уларнинг тирик вазни, ёши, жинси, мацсулот бериши, йўналиши, физиологик ҳолати шамда йилнинг мавсуми инобатга олиниб махсус нормалар белгиланиб рацион тузилади ва у асосида уларни боқилиши доимий назорат қилиб брилади. Барча эчкилар тўри озиклантирилганида семизлиги ўрта ҳолда бўлади, агар бу ҳолатдан узгарувчанлик пойда бўлса унда рационга узгартириш киритилади.

Эчкилар яйлов шайвони бўлиб асосан яйловда асралади ва ундаги ўсаётган ўсимликларни истеъмол қилиб озик моддаларга бўлган талабни кондириади. Эчкиларни яйловда ўтлатиш куйидаги мавсумларга бўлинади: **кўклам, ёз, куз ва қиш.**

КўкЛАМ даври эчкичилик хўжаликлариди 15 февраль 1 майгача давом этади бу даврда эчкиларни озиклантириш уларнинг тул бериши, сут ишлаб чиқариши ва улоқларини эмдириши билан болиқ ҳолда олиб бориши таъминланади. Бу мавсумда эчкиларни озиклантириш учун асосан буз ерлар, саксаул, кандим, чакалаклар усадиган яйловлар ишлатилади. Бу яйловларда асосан корабош, илок, кунгир бош каби ўтлар (эфемерлар) эрта усади. Бу яйловлар текис ва турли баланд усадиган ўтлардан холи бўлиши зарур. Эчкиларни ва улоқларни кузатиб боришига қўлайлик яратади. Колаверса бу яйловларда эчкиларни сугориш учун кудукар бўлиши шарт,

улоқларни ичини ўтказмаслиги сабабли кудуқлардаги сув шур булмаслиги керак. Эчкиларни ўтлатиш учун махсус кун таритиби ишлаб чиқилади эртала соат 7 - 11 ўтлатиш, 11 - 12 сугориш, 12 - 14 дам олиш, 14 - 19 гача эса ўтлатиш ва 19 дан эрталабгача махсус тунаш жойида дам олдириш.

ЎЗ мавсуми - 1 майдан то 15 сентябргача давом этади. Бу мавсумда хўжаликда асосан кисир эчкилар, катта улоқли эмизувчи ва со`ин эчкилар, шамда 1 ёшлик улоқлар ва такалар бўлади. Бу эчкилар бир хил тартибда озиклантирилади. Нимжон серпушт ва со`ин эчкиларга келсак қўшимча озик шам берилади. Бу мавсумда яйловлардаги ило, кунгирбош ва бошқа куриб қолган холда уру`ли ўтлар эчкилар учун жуда фойдали озуқа деб шисобланади. Бу яйловларни суви чучук ёки салгина шўр бўлиши мақсадга мувофиқ, ёзги яйловларда кузикулоқ соған каби ўтлар шам бўлса яхши деб шисобланади. Бу мавсум ўтлатиш вақти кечқурун ва куннинг салқин даврига тўриланади, қолган пайтларида эчкиларни дам олиши мақсадга мувофиқдир.

КУЗ мавсуми 10 октябрдан 15 декабргача давом этади ва бунда хўжаликда асосан улоқсиз эчкилар, қочирилган эчкилар ва оналаридан ажратилган улоқлар, наслга ярқисиз гўштга топширилган ва ахталанган такалар бўлади ва диярли бир текис озиклантирилади. Бу даврда эчкилар яйловлардаги ўсаётган арпагон, чотир, кашкар, йун ичка, нухатак, соған, каби ўтлардан озикланади. Яйловларда кудуқлар бўлиши шам лозим. Яйловларда кузнинг охирига донашур, балиқ кўз каби ўтлар бўлади ва эчкилар озик овқат сифатида истемол қилинади.

+ИШ мавсуми 15 декабрдан 15 февралгача давом этади. Эчкилар кишки яйловларида шувок, ёнтоқ, саксаул, ланд пояли усимликлардан фойдаланади, қолаверса бошқа эфемер ўтлари шам ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Киш мавсу- мида совук шамда қор бурон ва ёмғир кунлари эчкилар қулдан қўшимча озика олади. Буни инобатга олиб шар эчкига бошига қишлоғни яхши ўтказилиши учун 1,5-2 центнер да`ал хашак тайёрланиши ва қишлоғлайдиган жойларига босилиши керак.

2 Эчкилик хўжаликларида улоқлар оналари билан бирга боқилади. Бунда улоқлар туйимли она сути шамда қўшимча яйловдаги усимликларидан озикланиб ўз ихтиёжини қондиради. Улоқларни хазим қилиш системасини ичкалардаги қисми яхши ривож топгани учун кам сут эмади шунини инобатга олиб улоқларни онасига эmdirилишини назорат қилиб борилиши зарур ва бир кунда камида 3 - 4 мартаба она бола қилиш керак. Улоқлар яйловга чиқарилиши инобатга олиниб сакмонлар ташкил этилиши жоиздир, кичик сакмонларда 10-12 улоқ бўлади, ўрта сакмонларда эса 15 - 20 ва ундан ошган холда катта сакмон ташкил этилади.

Кичик сакмон ту`иш учун ажратилган жой атрофдаги яйловда боқилади, узоғи билан 10 кун давомида, ундан сун улар ўрта сакмонга

кушилиб курадан нисбатан узоклаштирилиб боқилади бундай ҳолат 20 кунгача давом этади. Бир ойдан сўнг улар катта сакмонга ўтказилиб узок яйловларида боқилади. Улоқларга бу даврда турли витаминлар ва минерал моддалар берилиши мақсадга мувофиқдир. Эчкичилик хўжаликларида улоқларни куйидагича парвариш этиш усуллари мавжуд:

а) база- кутан усули, бунда она эчкилар улоқлардан алоқидида базада боқилади ва базан холларда эгизилиш учун улоқлар оналарини остига қўйилади.

б) эмдириб соғилиш усули олдин она эчкини остига улоқ қўйилиб эмдирилади сўнг эса ажратиб олинади ва соғилади бу усул бир кунда бир неча мартаба қайтарилади.

в) суний сут эмдириб парвариш қилиш усули, бу усул асосан етим қолган улоқларга ҳамда сертушит эчкилардан олинган улоқларни парвариш этишида ишлатилади. Улоқлар онасидан 3,5 - 4 ёшлигида ажратилиб алоқидида сугуруларга бўлиниб яйловларда боқилади.

3- Эчкилар йўналишига биноан яйловларда турлича асралади. Бу тадбирни тўри ташкил қилиниши жуда мушмим ва долзарб. Долзарблиги шундан иборатки эчкиларни бош сонини ва мащсулдорлигини ошиши бевосита бу тадбирга бо`лик. Шул сабабли эчкичиликда бу тадбир уларни озикланишига ва сакланишига бо`лик.

Бизнинг худудимизда эчкиларни асосан то` яйловларида асраб боқиши тараккий этган. Лекин совук тушгач улар қишлоқ жойларига ёким яйловларга кучирилади. Кишда эчкиларни асраш учун уларни 3 ой давомида қўлдан озик бериш лозим.

Яйловлар ботаник таркибга ва ундаги усимликларни ўсишига биноан мавсумлар бўйича ажратилиб шар бир сурувга беркитилади. Зарурият ту`илганда яйловлар турли ёввойий ўсимликларни уру`лари билан экилиши ташкил этилади ва унинг хосилдорлиги оширилади. Эчкиларни яйловда асрашида кун тартиби ишлаб чиқилади ва унга катиян риюя этилади. +олаверса яйловда эчкиларни юриш маршурути ва яйловларни ўтлатиш тартиби ишлаб чиқилади. Чунким бир кунда шар бир эчки 20 - 25 км. масофани бемалол босиб утаолади шул сабабли яйловдаги усимликларни тепкилаб йўқ қилиши ва зиён етказиши мумкин.

Саволлар:

1. Эчкиларни озик нормасини белгилашда нималарга этибор берилиши зарур ?
2. Эчкиларни қандай парвариш усуллари биласиз?
3. Эчкилар қандай асралади?
4. Эчкилар куклам ва ёз ойларида қандай боқилади?
5. Эчкилар куз ва киш мавсумида қандай боқилади ?

8-МАВЗУ: ЭЧКИЧИЛИКДА ОГИР ИШЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ЭЧКИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ

Режа:

1. Эчкичиликда огир ишларни (озика тайёрлаш таркатиш, жун киркиш, чумилтириш, эчки базаларини тозалаш, сугориш ва хокоза).
2. Эчкичиликдаги учрайдиган касалликлар ва уларни сабаблари.
3. Касалликларни олдини олиш ва даволаш.

Адабиётлар: 1. 2. 3. 5. 10.

1- Эчкичилик шозирги кунда диярли п кул кучи ишлатилиш йўллари билан таракий этирилиб келинмоқда. Шул сабабли бу сохани урчитилишини яхши йўлга қуйилиши ва ундаги барча ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириши мақсадга мувофиқдир. Шозирги кунда бу ишни амалга оширилиши учун катта имкониятлар мажуд. Фермер хўжаликлари пайдо бўлиб маблаг сарфланишига чегара қуйиш имконлари вжудга келган. Кичкина фермер хўжаликларда эчкиларни озиклантирилишида махсус охирлардан фойдаланиш имкони яратилмоқда ва эчкилар истемол қиладиган озукасини оёғ остига ташламайди, колаверса уларни сугоришини механизациялаштириш имкони яратилиб келмоқда.

Эчки кураларини, турадиган жойларини ма шиналар оркали ахлатдан тозалаолиб бориш имконига эгамиз колаверса шозирги замон техника воситаларида унумли фойдаланиб хаттоки майда ва тез тукилиб кетадиган озикаларни таркатиш имконлари мавжуд фақат бунини амалга оширилишига мутахассислар ва рахбарлар маъсулиятни сезган даражада иш юритишлари зарур. Бу ишларни амалга оширилиши бевосита эчкичилик сохасини самарадорлигига қаратилган ва кул кучини ишлатилиши камаяди

2 Эчкичиликда учрайдиган хасталиклар қуйидагиларга бўлинади: юкумсиз, юкумли, инвазион ва паразитар. Юкумсиз касаликлар натўри ёки туймсиз озикалар билан озиклантириш шамда эчкиларни натўри асраш ва зоогигиена ҳолатига жавоб бермайдиган шароитда сақлаш натижасида вжудга келади. Буларга гастроэнтерит, тимпания, захарланиш, мастит ва травматик касаликлар киради.

Юкумли касаликларининг келиб чиқишини сабаби соғлам эчкиларни турли касаликларини чакирадиган микробларга чалиниши, хаста эчкилар билан олоқа, ёки сув, озика ёки инсон ва инвентар оркали микробларни утишидан иборат.

Юкумли касалликларга кутириш, буруцелёз, некробациллёз, яшур, сибирская язва, лептоспироз ва бошқа касаликлар киради. Инвазион касалликлар эчкилар организмига турли йўллар билан кирган бўлиб гелминтлар оркали чиқарилади. Бундай хасталикка чалинган шайвон охири улим билан тугайди. Бу касалликларга фасциолёз, диктикаулёз, монезиёз, эхинококкоз, ценуроз, кокцидиоз, чесотка каби касалликлар киради. Парезитор касалликлар турли паразитар насекомилар оркали чиқарилади. Буларга кичитма, сўна, битланиш, каналаниш каби тери сифатини бузувчи хасталиклар киради

3 Чупонлар эчкиларнинг соғлик даражаларини текшириб туришлари, четдан касаллик киритилишига қарши кулланиладиган чораларни шамда касаллик юз бериб колганида, то ветеринария ходимлари келгунча касал куйларга биринчи ердам кўрсатиш коидаларини билишлари

лозим. Чупонлар ветеринария ходимлари томонидан берилган шамма буйрукларни аниқ бажаришлари лозим. Касаликка учраган эчкиларда қуйидаги аломатлар юз беради: эчки емайди, тишларини гижирлатади, инграйди, калтиранади ёки юрганда гандираклайди, тез - тез нафас олади, подадан оркада қолади, оксайди, йуталади, корни шишади, баъзан ичи кетади, огзидан ёки бурнидан суюклик келади, кон сияди, ориглайди, температураси кутарилади (40 градусдан ошади).

Касалланган, айниқса температураси кутарилган эчкиларни подадан ажратиш керак уларни алоҳида сугориш керак шамда алоҳида яйловга қуйилади. Касалланган эчкиларни куздан кечириб уларга биринчи ердам кўрсатилади. Эчки улиб қолганда бу жойдан бошқа жойга эчкиларни хайдаш керак. Касалланган эчкиларни ёки уларни уликсаларини ташиганида уларнинг чиқиндиларини ерга тушурмаслик чорасини куриш зарур. Юқумли касалликлардан улган шайвонларнинг улаксаларини махсус ажратилган ерга (шайвон мазорига) энг ками 2 метр чуқурликда казиб қумиш керак. Шайвон улаксаларини ер устида қолдириш ёки итларга егизиш ярамайди. Кичима касаллигига учраган эчкилар утлаётган яйловлардан со'лом сурувларни ўтлатиш ёки хайдаб утиш ман этилади. Итларни шар уч ойда бир мартаба гижжа касаллигига қарши эмлаш лозим. Бола ташлаган эчкиларни дарҳол ажратиш керак бола йўлдошини ва улик холича тугулган улоқларни ветеринария врачларига кўрсатиш керак. Бола ташлаган эчкиларни алоҳида гуруҳга ажратиб аниқ ўчётга олиб бориш лозим. Бу тадбирлар натижа бермагач эчкиларни ветеринар врачга кўрсатиш керак. Оксаетган эчкилар сурувдан ажратилади эчкиларни туеклари касалликдан тозаланади. Бунинг учун 4 % ли формалин эритмаси ёки 2 - 3 % ли кириолин ишлатилади. Ярани езда чивин ва курт-лардан сақлаш учун унга нафталин парашоги сепилади, эчкиларнинг оёғи синганида уни мол докторига кўрсатиш зарур. Чупонлар чивин куртларига қарши қаттиқ курашиш керак. Эчкиларни захарли ўтлар билан захарланишидан сақлаш керак. Чупонларда ветеринария аптечкиси бўлиши зарур улар турли дори - дармонлар билан таъминланиши лозим, ва улардан фойдаланишини билиши керак.

САВОЛЛАР:

1. Эчкичиликда қандай оғир иш жараёнларини механизациялаштириш мумкин?
2. Эчкиларда қандай юқумли касалликлар учрайди ?
3. Эчкиларда учрайдиган юқумсиз касалликларни ифодаланг ?
4. Эчкиларда қандай паразитар касалликлар мавжуд ?
5. Эчкичиликда учрайдиган касалликларни олдини олиш чора тадбирлари ?
6. Эчкичиликда учрайдиган касалликларни даволаш усуллари ?

Маъруза матнлари андозаси ТошДАУ нашр таъширияти бўлими компютерида
Т.Турматов, Д.Исломовлар томонидан тайёрланди.

Босишга рухсат берилди 02.08.99. Бичими (60x84) 1/16. Шартли босма таба`и 2. Нашриёт
босма тобо`и 1.75 Адади 150 нусха. Баъоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 10-505 сонли гувоҳномаси асосида
ТошДАУ нашр таъширияти бўлимининг РИЗОГРАФ аппаратида чоп этилди.